

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ ЭРКИН ИЛЬХАМОВИЧ

**НОАНЪАНАВИЙ ХОМАШЁ АСОСИДА ЦЕМЕНТ КЛИНКЕРИНИ
ВА УНИНГ ТЕХНОЛОГИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Курбанов Эркин Ильхамович Ноанъанавий хомашё асосида цемент клинкери ва унинг технологик параметрларини ишлаб чиқиш	3
Курбанов Эркин Ильхамович Разработка цементного клинкера и его технологических параметров на основе нетрадиционного сырья	19
Kurbanov Erkin Ikhamovich Development of cement clinker and its technological parameters based on non-traditional raw materials.....	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	38

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ ЭРКИН ИЛЬХАМОВИЧ

**НОАНЪАНАВИЙ ХОМАСШЁ АСОСИДА ЦЕМЕНТ КЛИНКЕРИНИ
ВА УНИНГ ТЕХНОЛОГИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Т648 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент кимё-технология институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tkti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухамедбаева Замира Абдулжапаровна
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Юнусов Мирджалил Юсупович
техника фанлари доктори, профессор

Талипов Ниғматулло Хамидович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат __ да бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., А.Навои кўчаси, 32-уй. Тел.: (+99871)244-79-21, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., А.Навои кўчаси, 32-уй. Тел.: (+99871)244-79-21).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги __ - рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д. профессор

Х.К.Қодиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

М.Х. Арипова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ноёб физик ва техник хусусиятларга эга, емирилишга чидамли ва ҳарорат ўзгаришига бардошли юқори сифатли клинкер асос цемент машинасозлик, кимё, тўқимачилик, кон - металлургия, тиббиёт, қурилиш соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Цемент клинкерини қуйдиришнинг физик-кимёвий ва технологик асосларини ривожлантириш, ноанъанавий ва техноген материалларини қўллаб, паст ҳароратларда қуйдириш жараёнини жадаллаштириш, материал ва энергетик сарфларни камайтириш билан ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда хомашёнинг янги турларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини модернизациялаш асосида сифат кўрсаткичлари яхшиланган портландцемент клинкери ишлаб чиқаришнинг энергиятежамкор технологияларини қўллашга қаратилган чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада цемент клинкерини қуйдиришда паст ҳарорат ва ноанъанавий-техноген материалларни қўллаш, айланма печларда амалга ошувчи иссиқлик ва массаалмашилиш жараёнлари узвийлигини таъминлаш, юқори сафатли цемент олиш технологияларни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнги йилларда кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар турлари ва ҳажмини кенгайтириш, маҳаллий хомашё ва ноанъанавий хомашё асосида цемент клинкерини ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш бўйича маълум натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш ва клинкер ишлаб чиқаришда таркиби темир моддасига бой камёб ташкил этувчини тўлиқ алмаштириш имконини берадиган маҳаллий хомашё манбаларидан фойдаланиш, сифатли цемент олиш технологик жараёнини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги №ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги, 2017 йил 21-апрельдаги ПҚ-2916-сон «Чиқиндилардан фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 8-ноябрдаги ПҚ-3379-сон «Энергия манбаларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони

ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сонли «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологияси ва нанотехнологиялар» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юқори ҳароратларда портландцемент клинкерини куйдириш, сифатли цемент олиш технологияларни ишлаб чиқиш, саноат печларида борадиган куйдириш жараёнлари шароитларини мақбуллаш бўйича А.И. Бойкова, Ю.М. Бутт, П.П. Гайджуров, А.П. Зубехин, В.И. Корнеев, Г.В. Коугия, И.В. Кравченко, Т.В. Кузнецова, И.Г. Лугинина, О.П. Мчедлов-Петросян, Б.И. Нудельман, А.П. Осокин, А.А. Пащенко, Л.М. Сулименко, М.М. Сычев, В.В. Тимашев, Н.А. Торопов, Р. Vhr, Е. Воерман, У. Людвиг, И. Маки, Р. Кондо, Г.Б. Егоров, А.А. Тимошенко, Л.Г. Шпынова, Х. Тейлор, В.К. Классен, Т.Ю. Судакас, В.И. Щубин, П. Вебер, И. Петерсен, Т.А. Атакузиев, З.П. Пулатов, М.И. Искандарова, Н.Х. Бабаев ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Улар томонидан порландцемент клинкерини юқори ҳароратда куйдиришнинг физик-кимёвий ва технологик асослари ишлаб чиқилган, ноанъанавий ва техноген материалларини қўллаб, паст ҳароратларда куйдириш жараёни жадаллаштирилган, материал ва энергетик сарфларни камайтириш билан ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш тавсия этилган.

Шу билан бирга, «таркиб-структура-хусусият» боғлиқлиги асосида минералогик таркибларни тадқиқ қилиш, тўрт компонентли хомашёдан клинкер ҳосил бўлиш қонуниятлари аниқлаш, ноанъанавий хомашё материаллари асосида юқори физик-механик кўрсаткичли портландцемент олишнинг мақбул шароитлари аниқлаш, маҳаллий минерал ташкил этувчилар асосида қурилиш индустрияси учун қиммат бўлмаган ва эффектив портландцемент клинкери ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2015-7-20 «Паст ҳароратда куйдирилган туффитлар асосида актив гидравлик қўшимчалар олиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади айланма печларда цемент клинкерини куйдиришни жадаллаштиришнинг энергия ва ресурстежамкор, илмий асосланган принципларини ривожлантириш, анъанавий хомашё базаси ўзгарганида технологик жараёнларни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кайта ишланадиган хомашё хусусиятлари ва олинадиган маҳсулотнинг минералогик таркиби ўзгарганида юқори ҳароратли ускуналарда портландцемент клинкерини олиш;

цемент ишлаб чиқаришнинг ҳўл ва қуруқ усулларида технологик параметрларни оптималлаштиришда 3 ва 4 компонентли таркибларни ҳисоблаш усулларидан фойдаланиш;

ноанъанавий хомашё материаллари қўлланилганида клинкер синтезининг физик-кимёвий ва технологик жараёнларини тадқиқ қилиш ҳамда қуйдириш жараёнини бошқариш ва клинкер сифатини ошириш принципларини ишлаб чиқиш;

ишлов бериладиган хомашё аралашмалари таркиби ва хусусиятларини бошқариш орқали портландцемент клинкерини ишлаб чиқаришнинг энергиятежамкорлик ва жадаллаштириш услубларини ишлаб чиқиш;

хомашё шлами қиздирилганида физик хусусиятларининг ўзгаришини инобатга олиб айланма печнинг иссиқлик алмашилиш қурилмаларини комплекс ўзгартириш ва лойихалаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

портландцемент клинкери таркибида ноанъанавий компонент қўлланилганида печь қопламаси ҳолати ва печдан чиқаётган газларнинг ҳароратини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақия кони базальтлари, Балпантау кони диабазлари, охактош ва тупроқ танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ҳўл ва қуруқ усулда 4 компонентли хомашё аралашмасида кечадиган клинкер ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш, саноат синовларини ўтказиш орқали хомашё аралашмасининг физик-кимёвий, физик-механик ва технологик хусусиятлари ва оптимал таркиб ва технологик режимларни аниқлаш танлаб олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида комплекс услубда масса таркибини аниқлаш, дилатометрик ва ИҚ-спектроскопик тадқиқотлар, термографик, рентгенографик, электрон микроскоп ва булардан ташқари физик-механик, технологик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлашда интеграциялашган тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўйиниш коэффиценти ва модулларнинг турли кўрсаткичларида базальт асосли хомашё аралашмаларидан олинган клинкерларнинг микроструктураси ва фазавий таркибининг шаклланиш қонуниятлари асосланган;

клинкерни қуйдиришда базальт шишасининг кальций-темир таркибли авгит ҳосил қилиб парчаланиши аниқланиб, икки валентли темирнинг оксидланиши натижасида гематит ва кварцнинг ажралиши исботланган;

портландцементнинг мустаҳкамлиги темирга бой $\text{CaO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot \text{Fe}_2\text{O}_3$ таркибнинг анъанавий $\text{CaO} \cdot \text{Fe}_2\text{O}_3$ таркибга нисбатан осон гидратланиши натижасида ҳосил бўлувчи алюмоферрит микдорининг ортиши билан асосланган;

айланма печлар қопламаси параллел шамот ва хромомагнезит иссиқбардош маҳсулотлари билан қопланиши орқали қуйдириш худудининг

аланга ости чегара бўлимида термик зўриқишларни 20 % гача камайиши, қоплама эксплуатацион муддати 1,2 марта узайиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ноанъанавий хомашё материаллари асосида юқори физик-механик кўрсаткичли портландцемент клинкери олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

оловбордош комплекс қопламалар ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган;

ёқилғи сарфи камайтирилган, қоплама турғунлигини таъминловчи айланма печларда цемент клинкерини қуйдиришнинг жадаллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги лаборатория ва саноат тадқиқотларнинг замонавий физик-кимё таҳлил усуллари, маҳаллий хомашёни қўллаш борасида портландцемент клинкери хомашё аралашмалари таркибларини тайёрлашда замонавий компьютер ва дастурларни қўллаган ҳолда бажарилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «таркиб-структура-хусусият» боғлиқлиги асосида турли минералогик таркибли портландцемент клинкери олинганлиги, илк бор тўрт компонентли хомашёдан клинкер ҳосил бўлиш қонуниятлари аниқланганлиги, ноанъанавий хомашё материаллари асосида юқори физик-механик кўрсаткичли портландцемент олишнинг мақбул шароитлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, қуйдиришда паст ҳарорат ва ноанъанавий-техноген материалларни қўллаш, иссиқлик ва массаалмашиниш жараёнлари узвийлиги таъминланган айланма печларда юқори сафатли цемент клинкери ишлаб чиқаришда қўллашга ҳизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таркибида базальт бўлган аралашмалар асосида цемент клинкери олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Зебра» усулида терилган ўтга чидамли ғишт қопламали айланма печларда цемент клинкери пишириш технологияси «Наманганцемент» МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2022 йил 28 июлидаги 03/06-1876-сон маълумотномаси). Натижада айланма печларнинг ўтга чидамли ғишт қопламаларини ишлаш муддатини 1,2 баробарга ошириш имконини берган;

таркибида базальт бўлган аралашмалар асосида цемент клинкери олиш технологиясини «Наманганцемент» МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2022 йил 28 июлидаги 03/06-1876-сон маълумотномаси). Натижада базальт хомашёсини қўллаш билан оловбордош комплекс қопламалар ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 10 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шу жумладан, асосий диссертация натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 1 та хорижий, 3 та республика миқёсидаги журналларда, шунингдек, ЎзР ИМАнинг 1 та фойдали модель (FAP № 01395) учун патентлари олинган ва 1 монография.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 126 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасининг фан, инновациялар ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос эканлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган тажриба натижаларининг илмий-амалий аҳамияти, уларни ишлаб чиқариш амалиётига жорий қилиниши, тадқиқотлар натижалари асосида олинган патентлар ва нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Юқори мустаҳкам цемент клинкерларини олишнинг кимё ва технологик масалалари бўйича тадқиқот ишларининг ҳозирги кундаги ҳолати»** деб номланган биринчи бобида магматик ва вулқон жинсларидаги кўпкомпонентли аюмосиликат системалардан фойдаланиб маълум ижобий натижаларга эришишга имкон берадиган замонавий илмий адабиётлар шарҳлари ва таҳлили келтирилган. Аниқланишича, магматик жинслар қўлланилганида фаза ҳосил бўлиш жараёнлари ва жараёнларнинг амалга ошиш кинетикаси классик аралашмаларни куйдиришда содир бўладиган жараёнларнинг боришидан шуниси билан фарқ қилар эканки, уларда кечадиган фаза ҳосил бўлиш жараёнларда табиий хомашё материаллар таркибига кирувчи йўлдош ишқорий-ер элементлари қатнашар экан. Тупроқ жинсларининг ўрнини боса оладиган янги турдаги алюмосиликат хомашёларини портландцемент клинкери олишда турли қийматли тўйиниш коэффициентлар ва модулларда қўллаш ва уларнинг ҳолати, куйдириш жараёнининг пишириш ҳудудини оптималлаштиришга оид муаммолар кўриб чиқилган. Портландцемент клинкери хусусиятларини яхшилашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида базальт жинсларинининг суюқланишида клинкер суюқ фазаси миқдорининг ортиши ва минераллар ҳосил бўлишини яқунловчи даври тезлигига таъсири эканлиги аниқланган.

Келтирилган шархдан портландцемент клинкери технологиясида энергия ва ресурстежамкорликни таъминлаш борасида перспектив йўналишлардан бири сифатида ноанъанавий ва техноген материалларни цемент клинкерини куйдириш жараёнини жадаллаштиришда қўллаш эканлиги келиб чиқади. Ушбу диссертация иши айнан шу масалаларни ҳал қилишга, чунончи, юқори физик-механик ва эксплуатация хусусиятларига эга бўлган портландцемент

клинкерининг самарали хомашё аралашмалари ва технологиясини яратишга бағишланган.

Диссертациянинг «**Изланиш объектлари, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва тадқиқ қилиш усуллари**» номли иккинчи бобида портландцемент клинкерини олишда қўлланиладиган маҳаллий ноанъанавий ташкил этувчиларнинг физик-кимёвий, физик-механик ва технологик хусусиятларини таҳлил қилишнинг усуллари келтирилган. Портландцемент хомашё таркибларини лойихалашда Excel электрон жадваллари ва MathCad тизимлари каби замонавий усуллардан фойдаланилган. Базальтларнинг Қорақия кони, диабазларнинг Балпантау кони, охактошнинг Балиқли-Тау ва тупроқнинг Хилково конларидан олинган алюмосиликат таркибли хомашёларнинг кимёвий-минералогик хусусиятларига таалуқли олинган маълумотлар келтирилган.

Қўлланилган хомашё материалларнинг кимёвий таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Хомашё материалларининг кимёвий таркиби

Компонентлар	Оксидлар миқдори, масс.%								Сумма
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	SO ₃	R ₂ O	ППП	
Охактош	2,18	0,61	0,31	52,69	0,86	0,30	0	42,41	99,26
Лёсс	54,63	11,65	4,74	10,00	2,80	0,63	0	11,36	95,81
Базальт	58,46	18,20	7,0	6,18	2,66	1,72	2,35	2,39	98,96
Диабаз	59,48	15,21	6,62	3,26	5,16	1,62	0	2,49	93,84
Огарка	33,10	7,92	41,49	3,58	2,61	2,87	0	0	91,57

Қорақия кони базальтлари таркибини таҳлил қилиш натижасида текшириляётган тоғ жинслари кўп фазали эканлигини кўрсатди. Микроскопик, рентгенографик ва электрон-микроскопик таҳлил маълумотларига кўра, уларда формуласи (Na,Ca)Al₂Si₂O₈ бўлган ишқортутувчи анортит, диопсид типига мансуб CaMg[Si₂O₆] темиртутувчи пироксенли қаттиқ эритма, авгит Ca(Mg,Fe²⁺)[Si₂O₆·CaFe[AlSiO₆], эгирир Na,Fe³⁺[Si₂O₆]; актинолит Ca₂[Mg,Fe]₅[OH]₂[Si₈O₂₂]; эпидот Ca₄Al₆[OH]₂O₃[Si₂O₇]₃, кварц SiO₂ каби асосий фазалар мавжуд.

Диссертациянинг «**Ноанъанавий хомашё материаллари қўлланилганида хомашё аралашмасини куйдириш жараёнида борадиган физик-кимёвий ўзгаришлар**» номли учинчи бобида қуруқ ва хўл усулда 4 компонентли хомашё аралашмаларининг тўйиниш коэффциенти ва модулларга боғлиқ ҳолда оптимал таркибларини лойихалаш натижалари келтирилган. Базальт ва диабаз асосидаги клинкер хомашё аралашмалари куйдирилишининг физик-кимёвий, физик-механик ва иссиқлик техник жараёнлари ўрганилган.


Хомашё аралашмаси ва клинкернинг ҳисобланган таркиби 2-жадвалда келтирилган.

Хомашё аралашмаси ва клинкернинг ҳисобланган таркиби

Компонент	Оксидлар миқдори, масс.%									
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	SO ₃	R ₂ O	ППП	бошқалар	Сумма
Охактош	0,94	0,60	0,38	40,48	0,50	0,15	0,23	32,22	0,02	75,52
Лёсс	9,62	2,02	0,84	2,61	0,36	0,15	0,52	2,57	0,04	18,73
Базальт	1,45	0,45	0,17	0,15	0,07	0,04	0,06	0,06	0,03	2,48
Огарка	1,52	0,29	1,31	0,04	0,00	0,04	0,04	0,00	0,00	3,24
Ёқилғи кули	0,81	0,18	0,31	0,21	0,12	0,05	0,00	0	0,25	1,93
хомашё аралашмаси, %	13,53	3,36	2,70	43,28	0,93	0,38	0,85	34,85	0,09	100
Клинкер,%	21,18	5,24	4,37	65,37	1,52	0,62	1,28	0	0,39	100

Хомашё аралашмаси таркибига базальт киритилганида компонентлар нисбати куйидагича (% мас.): охактош-75,52; лёсс-18,73; базальт-2,48; огарка-3,24. Уч ва тўрт компонентлар хомашё аралашмаси ҳисоби натижасида аралашмага базальт 4-компонент сифатида киритилганида охактош миқдори деярли ўзгармайди (1 тонна клинкерга 1183 ва 1190 кг). Киритиладаган базальт миқдори (1 тонна клинкерга 42 кг) хомашё аралашмаси таркибидаги лёсс миқдорининг камайиши ҳисобига (1 тонна клинкерга 369 ва 325 кг) тўғри келади.

Қорақия кони базальтларини портландцемент клинкери хомашё аралашмасида алюмосиликат компонент сифатида қўллаш имкониятларини баҳолаш учун биз томонимиздан уч компонентли системанинг ҳолат диаграммаси курилди. CaO-SiO₂-Al₂O₃ нинг ҳолат диаграммасига базальтларнинг 9 та кони кимёвий таркиблари нуқталари киритилди (1-расм) ва базальтсимон жинсларнинг мавжуд бўлиш ҳудуди аниқланди. Базальтсимон жинсларнинг мавжуд бўлиш ҳудуди портландцемент ҳудудидан ўтиши кўрсатиб берилди. Олинган натижалар маълум нисбатларда олинган базальт ва тупроқдан портландцемент клинкерини олиш мумкинлиги тўғрисидаги фаразларни тасдиқлади.



1-расм. CaO-SiO₂-Al₂O₃ системасининг ҳолат диаграммаси

I- портландцемент ҳудуди, II- базальт ҳудуди, III- тупроқ ҳудуди, IV- базальтсимонлар ҳудуди

Бинобарин, 1200 °С ҳароратда ҳосил бўладиган $\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot\text{Fe}_2\text{O}_3$ портландцементдаги CaO ва Fe_2O_3 га нисбатан тез гидратланганлиги сабабли, темир билан бойиган ушбу фаза анъанавий таркибларга нисбатан паст ҳароратларда олинад ва клинкерда алюмоферрит фазанинг ортиши портландцемент клинкери хоссаларида ижобий намоён бўлиши мумкин. Шу сабабдан хомашё аралашмаси шламларининг кимёвий таркиби аниқланган (3-жадвал).

3-жадвал

Хомашё аралашмаси шламларининг кимёвий таҳлили

Шлам	Оксидлар миқдори, масс.%						Титр, %
	SiO_2	Al_2O_3	Fe_2O_3	CaO	MgO	Сумма	
Тўрт компонентли аралашма	14,05	3,30	3,03	42,65	1,23	64,26	78,37
Уч компонентли аралашма	13,96	3,21	3,00	41,84	1,21	63,32	78,00

Уч компонентли хомашё аралашмасини куйдириш бўйича тажриба ишлари ҳўл усулда ишлайдиган ўлчами $\text{Ø}4\times 140$ м бўлган рекуператор совутгичли айланма печида ўтказилди. Клинкернинг технологик кўрсаткичлари: гидравлик модули- 2,10; калориметрик модули - 2,43; пиширилиш коэффициенти - 0,58; куйдирилиш индекси - 3,09. ТЭЖ – 1648 кДж/кг.кл (394 ккал/кг кл).

Тўрт компонентли хомашё аралашмасини куйдириш бўйича тажриба ишлари қуруқ усулда ишлайдиган рекуператор совутгичли декарбонизаторли айланма печда ўтказилди.

Тўрт компонентли хомашё аралашмасинидан олинган клинкернинг таҳлил натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Портландцемент клинкери ва цементнинг мустахкамлик кўрсаткичлари

Цементлар	Қўшимча миқдори, %	Буғлатишдаги активлиги, МПа				Цементнинг 28 кунлик мустахкамлиги, МПа	
		Клинкер ПЦ		Цемент ПЦ 400-Д20			
		эгилиш	сиқилиш	эгилиш	сиқилиш	эгилиш	сиқилиш
Тўрт компонентли аралашма	18,0-19,0	3,9	27,7	3,9	24,5	5,8	40,5
Уч компонентли аралашма	15,0-16,0	3,7	26,4	3,8	24,3	6,0	40,6

4-жадвалдан кўриниб турибдики, тўрт компонентли аралашмадан олинган клинкернинг буғлатишдаги мустахкамлиги уч компонентли аралашмадан олинган клинкерникидан 5% га юқори экан. Цементларнинг 28 кунлик мустахкамлиги деярли бир хил бўлиб, амалдаги давлатлараро стандартлар талабларига жавоб беради ва мустахкамлик кўрсаткичлари бўйича “400” маркага мос келади.

1200-1300 °С ҳароратда куйдирилган портландцемент хомашё аралашмалари қаттиқ фазаларда ҳосил бўлган минераллар ва реакцияга

киришмай қолган эркин кальций оксидидан ташкил топган. Ҳароратнинг янада кўтарилиши суяқ фазанинг ҳосил бўлишига олиб келади, куйдириш жараёни суяқ фаза иштирокида боради. Қаттиқ зич кальций оксиди эришининг натижасида икки кальцийли силикат ҳосил бўлади. Суяқ фазанинг керакли компонентлар билан етарли даражада тўйиниши туфайли янги фаза – уч кальцийли силикатнинг кристалланиш жараёни бошланади.


Тупроқ компонентли анъанавий хомашё аралашмаларини куйдиришда борадиган жараёнлар етарли даражада яхши ўрганилган. Тупроқ компонентли хомашё аралашмаларини куйдиришда минералларнинг ҳосил бўлиш кетма-кетлиги В.В. Тимашев ва бошқалар томонидан белгилаб берилган. Анъанавий 3 компонентли аралашма ҳамда 4 компонентли таркибида базальт бўлган портландцемент клинкери хомашё аралашмаларининг фазавий таркибини ўрганишимизда базальт ва тупроқли аралашмаларни куйдиришда минераллар ҳосил бўлиш кетма-кетлигида фарқ борлиги аниқланди. Тупроқ тутувчи компонентлар бўлганида бирламчи янги ҳосил бўлган фаза сифатида 700 °С да геленит, 900 °С да кальцийли алюминатлар ва 1000 °С да икки кальцийли силикат қайд этилди. Геленит 1250 °С гача, кварц эса 1200 °С гача мавжуд бўлади. Алитнинг шаклланиши 1250 °С да, яъни базальт иштирокидаги аралашмаларга нисбатан 100 °С юқорида ҳароратда бошланади.

Базальтли ва анъанавий аралашмалар таркибларини куйдиришда пайдо бўладиган янги ҳосилалар таркиби бир-биридан кескин фарқланади. Шу билан бирга, асосий клинкер минералларининг ҳосил бўлишининг ҳарорат чегаралари ҳам фарқланади. Фарқланиш базальтнинг қиздирилишдаги ўзига ҳослиги билан боғлиқ. Тадқиқ қилинаётган базальт намунасида рентгенофазавий таҳлил асосида пироксенлар гуруҳига мансуб авгит $d=0,162; 0,252; 0,298$ нм ва диопсид $d=0,294; 0,298; 0,323$ нм борлиги кузатилди. Намунада плагиоклаз гуруҳига мансуб минераллар, жумладан шу гуруҳга кирувчи анортит $d=0,286; 0,292; 0,322; 0,404$ нм ҳам борлиги аниқланди. Бундан ташқари темир тутувчи минераллар гематит $d=0,269; 0,259$ нм, магнетит $d=0,254; 0,210$ нм ва вюстит $d=0,214$ нм ҳам қайд этилади. Намуна 1150 °С гача қиздирилганида суяқлана бошлайди. Суяқланиш жараёнининг ниҳояси 1300 °С ҳароратларда кузатилади. Базальт 900 °С ҳароратгача қиздирилганида фазавий таркибнинг кескин ўзгариши кузатилмайди, фақат $d=0,252-0,254$ ва $0,292-0,298$ нм рефлексларининг авгит-магнетит-гематит ва плагиоклаз таркибларининг анортит томонига ўзгариши натижасида турли минераллар чизиқларининг устма-уст тушишидан бирмунча сурилиши кузатилади. 1000 °С дан кейин кристалларни суяқланишга олиб келадиган ўзгаришлар бошланади. Пироксен гуруҳига мансуб минералларнинг суяқланиши 1250 °С бошлаб жадаллашади. 1200-1250 °С ҳароратда фақатгина икки минерал – плагиоклаз ва гематитга мансуб рефлекслар намоён бўлади. 1300 °С да рентгенограмма базальтнинг тўлиқ суяқланишидан далолат берувчи шишасимон моддаларга ҳос бўлган кўринишга ўтади. Шундай қилиб, базальтнинг суяқланиши плагиоклаз ва гематитнинг миқдори сезилар бўлмайдиган 1250 °С деб қабул қилинса бўлади.

Тоза базальт ва 4 компонентли хомашё аралашмаси термограммаларида янги ҳосилаларнинг пайдо бўлганлигини тасдиқловчи дея қандай эффектлар топилмади. Фақатгина, фарқланиш эндотермик эффектнинг чуқурлигининг ўзгаришида акс этиб, базальтнинг суюқланиш ва ҳароратнинг чегараси ўзгаришидан далолат беради: тоза базальтнинг ҳарорат таъсирида суюқлик ҳосил қилиши таркибига кальций оксиди киргани сабабли 40 °С га кечроқ бошланиб, суюқланишга замин яратилишини кўрсатади.

Икки кальцийли силикатнинг вақтлироқ пайдо бўлишига, C_2S ҳосил бўлишида унинг таркибига кирувчи кремнийнинг базальт таркибида кристалл бирикмалар - силикатлар, алюмосиликатлар, шишасимон ва қўшилмали кварц ҳолида мавжудлигидадир. Кальций ионларининг миқдори декарбонизация-ланишда қаттиқ эритмаларда ютилишига нисбатан ортиқча бўлганида, кальций оксиди-кремнезем системаси учун оддий бўлган силоксан боғларнинг кристалллар юза қатламлари, шишасимон модда ва қўшилмали кварц доналарида узилиш жараёнлари содир бўлади. Айтилганларнинг бариси хомашё аралашмаларини куйдиришнинг ҳам қуруқ, ҳам хўл усулида амалга ошадиган жараёнларнинг ИК-спектроскопик тахлили натижалари билан ҳам тасдиқланган (2а ва 2б-расмлар).

Суюқ фазадаги реакцияларнинг бошланиши 1150 °С ҳароратда бошланиши кам миқдорда алитнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Биз кўриб чиқилаётган ҳолатда 20-30% суюқликнинг мавжуд бўлиши алит ҳосил бўлишининг бошланиши 1200°С да, клинкер минераллари жараёнларининг якуни эса 1300-1350 °С да қайд этилди. Базальтли хомашё аралашмаларида 1150-1180 °С ҳароратда ҳосил бўладиган алит миқдори катта бўлмайди.




а

б

2-расм. Қуруқ (а) ва хўл (б) усулида 4 компонентли хомашё аралашмасидан олинган портландцемент клинкерларининг ИҚ- спектрлари

Портландцемент клинкери юзасининг электрон тасвири материал тузилиши зонадор эканлигидан далолат беради. Заррачалар ўлчами 15-30 мкм ни ташкил этади (3-расм, а). Паст ҳароратлар ҳудудида ҳосил бўладиган алит кристалларининг солиштирма юзаси ривожланган бўлиши сабабли, улар куйдиришнинг кейинги босқичларида CS доналарининг шаклланишида марказлар вазифасини бажариш қобилиятига эгадир. Базальтли аралашмаларда бундай марказларнинг анъанавий таркибларга нисбатан кўплиги (3-расм, б) билан базальтли аралашмаларда алит миқдорининг жадал ўсишини изоҳлаш

мумкин. Ўлчамлари 40-50 мкм бўлган думалоқ доналар мавжудлиги кузатилади. Кремний миқдори катта бўлган ва уларда кальций бўлмаган худудлар ҳам бор. Цемент клинкери алохида агрегат-блоклари зарраларидан ташкил топган, блокларнинг чегараси яққол бўлиб, айрим ҳолларда очроқ рангга эга. Бундай худудларни белит намоён қилади. Алюминий ва темир клинкер юза майдонида бир хил тарқалмаган ва уларнинг аксарияти алит ва белит зарралари оралиғида жойлашади.



а

б

3-расм. 3 компонентли хомшаё аралашмаси (а) ва 4 компонентли хомшаё аралашмасидан ҳўл усулда олинган (б) портландцемент клинкерлари намуналарининг электрон-микроскопик тасвири

Тўрт кальцийли алюмоферритнинг нисбатан кечроқ кристалланишининг сабаби 1250 - 1300 °С ҳароратда магнетит кристалларининг суюқликда эриши бўлиши мумкинки, бу ҳароратларда темир ионларининг турғунлиги куйдириш босқичларининг дастлабки даврларида танқислиги билан изоҳланади.

Шундай қилиб, хомшаё аралашмасида базальтнинг бўлиши кальцитнинг диссоциацияланиши жараёнида эркин кальций оксиди ажралиши тезлаштириши ва мазкур бирикманинг 1250 - 1300 °С да силикат, алюминат ва темир бирикмалари билан клинкер минералларининг ҳосил бўлишидаги паст ҳароратли босқичларда ўзаро таъсирланиши кўрсатилди.

«Цемент клинкери куйдиришдаги айланма печларда иссиқлик ва масса алмашинишни жадаллаштириш» деб номланган тўртинчи бобда намлиги 33,75% бўлган нормал шлам кўлланилганида айланма печларда иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнларининг бориши масалалари кўриб чиқилган (5-жадвал).

5-жадвал

Нормал шлам тавсифи

Шлам тавсифи	Кўрсаткичлари
Намлик, %	31 - 36
Ёйилиши, мм	58 - 72
Майдалик даражаси, № 02 элакдаги қолдиқ, %	1,2 - 2,0
Fe ₂ O ₃ миқдори, масс. %	2,5 - 3,1
MgO миқдори, масс. %	кўпи билан 3,2
Тўйиниш коэффициентлари (ТК)	0,91 - 0,95
Силикат модули (n)	1,95 - 2,8
Глинозем модули (p)	1,00 - 1,50

5-жадвалдан кўришиб турибдики, шламнинг тавсифи яхши, мустахкам гранулаларнинг ҳосил бўлишини таъминлай олади. Бундай шлам маълум даражада пластик боғловчи хусусиятларига эга.

Клинкер ишлаб чиқаришда базальтларнинг қўлланилиши шламнинг критик намлигининг ўзгариши билан боради, яъни занжирларга материалнинг максимал ўтиши билан. Занжирли худуд охирида материал куриши натижасида печдан чиқаётган чанг миқдори 25% гача ортади. Чанг миқдори ортишининг салбий томонини занжир миқдорини тўғри ҳисоблаш ва занжирларни осилиш турини танлаш орқали бартараф этиш мумкин.

«Бекободцемент» АЖ даги ўлчами Ø4,0x140 м бўлган печлар иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг комплекс тахлили занжирларни осилиш схемаси шламнинг куришдаги ўзгаришини инобатга олмаганлигини кўрсатди. Гранулаланишга мойил бўлмаган шламлар занжирларга материалнинг тез ўтиши билан ажралиб туради. Шунинг учун, занжир дарпардаларни бир учи эркин 4 киримли винт тарзида ўрнатилиши тавсия этилади. Дарпардалар зичлиги ва занжирлар узунлигининг оширилиши иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнларини яхшилайдди.

Шу тариқа ўлчами Ø4,0x140 м бўлган айланма печда 30 метр узунликдаги эски дарпарда реконструкция қилинди. Таклиф этилган ўзгартиришдан асосий мақсад печлар иссиқлик технологик режимининг бузилишига олиб келадиган занжир худуднинг пластик қисмида халқа ҳосил бўлишини бартараф қилишдир.

Занжир худуднинг янги схемасига асосан, 3 киримли гирлянд-винтли дарпарданинг 2 бўлими бутунлай олиб ташланди ва уларнинг ўрни сегментларининг қиялик бурчаги 27 градус ўрнига 50-60 градус бўлган 4 киримли эркин осилган дарпарда билан алмаштирилди.

Янги схемага кўра занжир худуди 37 метрни ташкил этади, шу жумладан: 1-бўлим, узунлиги 4 метр - хўл фильтр (4 киримли эркин осилган), ЦОН 25 × 120 маркали (овал нормал) занжирли; 2-бўлим, узунлиги 10 метр - 4 киримли эркин осилган дарпарда, ЦКН 25 × 100 маркали (думалоқ нормал) занжирли; 3-бўлим, узунлиги 15 метр - 4 киримли эркин осилган дарпарда, ЦОЖ 25 × 120 маркали (овал иссиқлик бардош) занжирли; 4-бўлим, умумий узунлиги 7,5 метр - айланма иссиқлик алмашиниш қурилмаси, бир қатор гирлянд дарпарда, 1,5 метрли 5 қаторли поёндоз; узунлиги 0,5 метр, ЦОЖ 25 × 120 маркали (овал иссиқлик бардош) занжирли 1 қатор парда (шторка).

Шундай қилиб, «Бекободцемент» АЖ да қўлланиладиган хомашё шлами барча хусусиятларини эътиборга олиб ва печ шлашининг оптимал чораларини кўриб, базальтни қўллаш натижасида айланма печ унумдорлигини соатига 2 тоннага оширишга эришилди.

Хомашё таркибида диабаз ва базальт бўлганида печ қопламаси турғунлигига таъсирини аниқлайдиган изланишларни ҳам ўтказдик.

Айланма печ иссиқлик қопламасининг куйдириш худуди аланганинг юқори ҳарорати таъсирида бўлади (1600-1700 °С). Шу худудда бўлган материалнинг ҳарорати аланга ҳароратидан 150-200 °С пастроқ бўлади. Цемент клинкерини ишлаб чиқаришнинг қуруқ усулида куйдириш худудига айланма

печ узунлигининг 60 % гача ва аланга узунлигининг тахминан 25 % га тўғри келади.

Куйдириш худуди узунлиги бўйича термик зўриқишларнинг бир меъёра тақсимланишини таъминлаш, максимал ҳароратлар бўлимида термик зўриқишларни камайтириш ва айланма печ иссиқлик бардош қопламаси турғунлигини ошириш мақсадида печ танасининг ўқи бўйича келма-кет алмашадиган параллел шамот ва хромомагнетит иссиқлик бардош махсулотлари билан қоплаш таклиф этилди.

«Зебра» усулидаги қопламада ШЦУ 3 маркали шамот ва ПШПЦ В320 маркали периклазшпинел магнезиал ғиштлардан фойдаланилди. Ғиштлар куйдириш худудининг юқори ўтиш бўлимидан 7 м масофада терилди. 23 метрдан бошлаб, магний миқдори 80 – 82 % бўлган В320 + В620 магнетитли ғиштлар ётқизилди. Қоплама кенгайтирувчисиз усулда қотирилди.

Таклиф этилган қоплама схемаси «Бекободцемент» АЖ да Ø4x60 м ўлчамли портландцемент клинкерини қуруқ усулда ишлаб чиқарадиган айланма печда синовдан ўтказилди. Куйдириш худудининг умумий узунлиги 37 м. Ўтказилган синовлар натижаси таклиф этилган иссиқлик қопламасини қўллашда куйдириш худудининг чегара бўлимида термик зўриқишларнинг 20% гача камайиши, қопламанинг хизмат қилиш муддати куйдириш худудидаги термик зўриқишларнинг текисланиши эвазига 1,1-1,2 баробар узайишини кўрсатди. Шу билан бирга, печ қопламасини барпо этиш вақти ҳам камаяди.

Цемент клинкерларини йўллаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини таққослаш хомашё аралашмасининг кўп компонентлилиги, асосий технологик хомашё, материаллар ва ТЭР сарфига нисбатан олиб борилди. Ҳисоблашлар 3 компонентли хомашё аралашмасидан клинкер ишлаб чиқаришда умумий ҳаражатлар 8 038 470 000 сўмни, 4 компонентли хомашё аралашмасидан клинкер ишлаб чиқаришда эса 7 217 670 000 сўмни ташкил этишини кўрсатди. Демак, клинкер ишлаб чиқариш ҳажми 20 000 тонна бўлганида базальтни хомашё компоненти сифатида қўллашдан олинadиган иқтисодий самарадорлик 820 800 000 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Олиб борилган илмий изланишларнинг танқидий тахлили клинкер синтезида ноанъанавий хомашёлар қўлланилишида алюмосиликат ва темир тутувчи хомашё материалларнинг физик-кимёвий ва технологик жараёнларга таъсирини ўрганишни назарда тутувчи изланишлар самарали эканлигини тасдиқлайди. Куйдириш жараёнини бошқариш принципларини ва клинкер сифатини ошириш усуллари ишлаб чиқиш, цемент клинкерини куйдириш жараёнини жадаллаштириш йўллари топиш борасидаги изланишларни кенг қамровда олиб боришни тақазо қилади, шу билан бирга бу йўналишни энергия ва ресурстежамкорлик борасида истиқболли эканлигини белгилаб беради.

2. Қорақия кони базальт жинслари ва Балпантау кони диабазларини комплекс ўрганиш асосида портландцемент клинкери хомашё аралашмаларининг оптимал таркиблари ишлаб чиқилди. Турли қийматдаги

тўйиниш коэффициентлари ва модификацияловчи модулли таркибида базальт бўлган хомашё аралашмалари асосида олинган клинкерларнинг фазавий ва микроструктураси тузилишининг қонуниятлари белгилаб берилди.

3. Портландцемент клинкери хомашё аралашмасида тупроқ компонентни темир тутувчи алюмосиликат материаллар билан алмаштириш мумкинлиги асослаб берилди. Юқори мустаҳкамликга эга портландцемент олишда Қорақия базальти ва Балпантау кони диабазлари каби алюмосиликат жинслар портландцемент клинкери учун хомашё сифатида қўлланилиши мумкинлиги аниқланди.

4. Базальт жинсларини қўллашда клинкер синтези жараёнларининг физик-кимёвий ва технологик ўзига ҳос тамонлари куйдириш жараёнини бошқариш принциплари ва клинкер сифатини ошириш йўллари ишлаб чиқишда ўрганилди.

5. Охактош карбанизацияси ҳароратигача эркин ҳолдаги алюминий ва кремний оксидларининг бўлмаслиги ва геленит типигадаги оралиқ бирикмаларни ҳосил қилишнинг имкони йўқлиги туфайли таркибида базальт бўлган хомашё аралашмаларининг реакцияга киришиш қобилияти юқори бўлиб, шунга асосан клинкер ҳосил бўлиши нисбатан паст ҳароратларда ($1250-1300^{\circ}\text{C}$), клинкерни анъанавий хомашё аралашмаларини куйдириш ҳароратларидан 150°C пастроқда яқунланиши аниқланди.

6. Таркибида базальт бўлган порландцементларнинг физик-механик синовлари уларни амалдаги ГОСТ талабларига мос келадиган “400” ва “500” маркали портландцементларга мансуб эканлигини кўрсатди.

7. Қуруқ ва хўл усулда 4 компонентли хомашё аралашмаларида кечадиган клинкер ҳосил қилишнинг физик-кимёвий жараёнлари тадқиқ қилинди ва айланма печларда борадиган иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнлари ўрганилди, ҳамда жорий қурилмаларда куйдиришни жадаллаштиришнинг самаралироқ усуллари таклиф қилинди.

8. Қуруқ усулда ишлайдиган айланма печлар қопламаси келма-кет алмашадиган параллел шамот ва хромомагнетит иссиқлик бардош маҳсулотлари билан қопланиши орқали куйдириш худудининг аланга ости чегара бўлимида термик зўриқишларни 20% гача камайтириш, қопламанинг хизмат қилиш муддатини 1,1-1,2 баробар узайтириш имконини беради.

9. Клинкер ишлаб чиқариш ҳажми 20 000 тонна бўлганида базальтни хомашё компоненти сифатида қўллашдан олинадиган иқтисодий самарадорлик 820 800 000 сумни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

КУРБАНОВ ЭРКИН ИЛЬХАМОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ЦЕМЕНТНОГО КЛИНКЕРА И ЕГО
ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ НА ОСНОВЕ
НЕТРАДИЦИОННОГО СЫРЬЯ**

**02.00.15–Технология силикатных и тугоплавких
неметаллических материалов**

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Ташкент–2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/T648

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tkti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Мухамедбаева Замира Абдулжапаровна**
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Юнусов Мирджалил Юсупович**
доктор технических наук, профессор

Талипов Нигматулло Хамидович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: **Тошкентский архитектурно-строительный институт**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г.Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои32. Тел.: (99871) 244-79-21; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №_____, с которой можно ознакомиться в ИРЦ. (100011, Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871)244-79-21.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2022 года).

С.М. Туробжонов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Х.И. Кадиров
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

М.Х. Арипова
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире, в области машиностроения, химической, текстильной, горно-металлургической промышленности, медицине, строительной индустрии широко применяется цемент, полученный на основе высококачественного клинкера, обладающего редкими физическими, техническими свойствами, устойчивостью к изменению перепада температур. Интенсификация физико-химических и технологических процессов обжига цементного клинкера с использованием нетрадиционных и техногенных материалов, снижение температуры процесса обжига, затрат на энерго- и ресурсосбережения в технологии цемента является важной задачей.

В настоящее время на мировом уровне ведутся научные исследования по разработке ингредиентов и составов, улучшающих строительно-технические свойства портландцементного клинкера, созданию высокоэффективных энерго- и ресурсосберегающих технологий, улучшению их эксплуатационных показателей. В частности, можно отметить разработанные технологии по получению цемента путём интенсификации процесса обжига цементного клинкера с использованием нетрадиционных и техногенных материалов. Ведутся работы, направленные на создание высокоэффективных технологий получения качественного цемента за счет улучшения тепломассообменных, физико-химических и химических процессов, протекающих в печи.

В Республике особое внимание уделяется модернизации химической промышленности, в этом плане достигнуты определенные результаты по отбору минеральных ингредиентов на основе местных нетрадиционных сырьевых материалов и промышленных отходов, входящих в состав строительных материалов, увеличение выпуска специальной конкурентоспособных видов продукции, разработке технологий их производства.

В программе стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «...обеспечение продуктов и технологий совершенно нового типа, и обеспечение производства отечественных продуктов, конкурентоспособных на внешнем и внутреннем рынках на этой основе...»¹. В этом плане ведутся научные исследования, направленные на интенсификацию процесса обжига сырьевых смесей, создание производства портландцементного клинкера на основе сырьевых материалов, которые могут полностью заменить дефицитные железосодержащие компоненты в сырьевой шихте при производстве цемента.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускорению развития химической промышленности в Республике Узбекистан», № ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической

¹ Указ Президента республики Узбекистан УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года.

промышленности и повышению ее инвестиционной привлекательности» и № УП -4891 от 6 апреля 2017 года «О критическом анализе объема и состава товаров (работ, услуг), углублении локализации импортозамещающих производств», а также других нормативно-правовых актах, относящиеся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Изучению высокотемпературного спекания портландцементного клинкера, разработке технологии получения высококачественного цемента, созданию альтернативных условий для протекания процессов обжига в промышленных печах были посвящены научно-исследовательские работы: А.И. Бойкова, Ю.М. Бутт, П.П. Гайджурова, А.П. Зубехина, В.И. Корнеева, Г.В. Коугия, И.В. Кравченко, Т.В. Кузнецовой, И.Г. Лугининой, О.П. Мчедлов-Петросяна, Б.И. Нудельмана, А.П. Осокина, А.А. Пащенко, Л.М. Сулименко, М.М. Сычева, В.В. Тимашева, Н.А. Торопова, Р. Vhr, Е. Воермана, У. Людвиг, И. Маки, Р. Кондо, Г.Б. Егорова, А.А. Тимошенко, Л.Г. Шпыновой, Х. Тейлор, В.К. Классен, Т.Ю. Судакас, В.И. Щубина, П. Вебер, И. Петерсен, Т.А. Атакузиева, З.П. Пулатова, М.И. Искандаровой, Н.Х. Бабаева и др.)

Ими разработаны физико-химические и технологические основы высокотемпературного обжига портландцементного клинкера при использовании нетрадиционных техногенных материалов, оптимизирован процесс обжига при низких температурах, при снижении материальных и энергетических затрат даны рекомендации по усовершенствованию технологии производства.

Наряду с этим путем установления корреляционной зависимости «структура-свойства» изучены минералогический состав, закономерности получения портландцементного клинкера из 4-х компонентной сырьевой смеси, определены альтернативные условия получения портландцемента с высокими физико-механическими показателями на основе нетрадиционных сырьевых материалов, проведены научные исследования по интенсификации технологии получения недорогого и эффективного портландцементного клинкера на основе минеральных ингредиентов из местного сырья для строительной индустрии

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно - исследовательских работ инновационных проектов Ташкентского химико-технологического института И-2015-7-20 по теме: «Активные гидравлические добавки на основе туффитов, обожженных при низких температурах» (2015-2016 гг.).

Целью исследования является развитие научно обоснованных принципов интенсификации обжига цементного клинкера при энерго- и

